



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/5/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

Азаматова Г. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳоли миграциясининг ривожланиши: тарих ва ҳозирги замон .....	4
Алижонов М. Turkistonda jadidchilik harakatining rivojlanishi va unda G'ozii Yunusning tutgan o'g'ni.....	8
Габриэлян С. Деятельность германских военных миссий на среднем Востоке в конце XIX – начале XX веков ..	12
Қодиров Қ. Ўзбекистонда жиноят ижроия тизимини даврлаштириш тарихидан.....	17
Nurboev Q. XIX asrning ikkinchi yarmida Samarqand Eroniyarlari tarixiga doir .....	21
Резвонова А. Шайбонийлар даврида Самарқанд мадрасалари .....	24
Тўраев З. Саноат корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари .....	28

### Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар

Абдуллаева Г. Ногиронликка эга бўлган талабаларни ўқитишда “DEF akademiya” мобил иловасининг ўрни.....	32
Abdurakhmanov A. Application of mathematical packages in mathematical modeling .....	35
Anvarov A. Integrating the european information culture elements in the uzbek education .....	39
Агарбаева Д. The study of the socio-psychological problems of the family in Uzbekistan .....	43
Арзикулов Д., Арзикулова М. Спортчи шахси хусусиятларини тадқиқ қилишда психологик билимларнинг аҳамияти .....	46
Арипова К. Features of non-verbal means of communication .....	50
Atamuratova F. O'smirlik davridagi psixologik salomatlik muammolari (oilaviy munosabatlar misolida) .....	53
Ахмедов Қ. Хавф гуруҳи ва унга қирувчи болалар.....	56
Ахмаджонов О. Глобал замон ва электрон маданият .....	60
Воҳидов Э., Гадаймуротова Ш. Фанлараро алоқадорлик асосида ўқувчиларнинг ақлий тафаккурни шакллантириш.....	64
Джуманиязова М. Талабалик даврида диний дунёқарашни таркиб топишининг психологик хусусиятлари .....	68
Джалилова Ф. Соч турмагини моделлаштириш жараёни.....	72
Jonzoqova S. “Ахмад Ҳасавийнинг педагогик g'oyalari” modulini o'qitishda grafik organayzerlardan foydalanish” ....	75
Жуманиязова И. Инсулт ўтказган беморларнинг касаллик муносабат типларининг психодиагностик натижалар таҳлили .....	79
Jo'rayeva D. Maktabgacha tayyorlov guruh bolalarini steam o'qitish texnologiyasi asosida intellektual qobiliyatlarini takomillashtirishning ilmiy-pedagogik asoslari .....	83
Ibodov M. Materiyada psixikaning fiziologik taraqqiyot bosqichlari va inson psixikasi.....	87
Ибрагимов С. Бўлажак муҳандисларни ихтисослик фанларни интеграциясини таъминлаш орқали математик моделлаштиришга ўргатиш жараёни таҳлили.....	90
Imomqulova M. Талабаларда ахлоқий маданий муносабатларни шакллантиришда ўз-ўзини тарбиялаш омиллари .....	93
Имомова Ю. Афганистан в политике США в начале XX столетия.....	97
Исламова С. Влияние учебной мотивации на эффективность усвоения правовых норм в юношеском возрасте .....	101
Ismailova S. Forming of pragmatic competence of the english language learners .....	104
Karimov S. Musiqa darslarining fanlararo integratsiyalashuv jarayonidagi muammolari va yechilishi zarur bo'lgan vazifalar .....	107
Каримова Н. Таълимда педагогик парадигмаларини янгиланишининг ижтимоий-педагогик асослари. Таълимга парадигмал ёндашув.....	111
Касимов А. Ўзбекистонда энергетик хавфсизликни таъминлашдаги муаммо ва истиқболлар.....	114
Қудратуллагаева Р., Тоштемурова Н. Ижтимоий тасаввурлар шахс ижтимоий тажрибасининг асоси сифатида ..	117
Қулатова С. Вояга етмаган ёшларда ахборот - психологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омиллари.....	121
Кучкаров Х. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ташкилий-ҳуқуқий муаммолар .....	125
Қаландарова С. Чет тилида касбий ишбилармонлик муносабатлар маданиятини шакллантиришнинг натижадорлиги .....	128
Қодиров Р. Талаба-актёрларни тарбиялашда сахна нутқи оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг назарий-амалий асослари (дарс жараёнидаги машғулотлар мисолида).....	132
Qudratov B. Milliy ong va milliy e'tiqodning shakllanishi mustaqillik yillari talqinida.....	135
Matatov D. Ta'limni globallashtirish sharoitida ishlab chiqarish bilan hamkorligi .....	138
Махкамов У. Диалог шахслараро, миллатлараро ва давлатлараро мулоқот воситаси.....	142
Махкамов Х. Бўлажак информатика ўқитувчиларни ўқув амалиёти жараёнида педагогик фаолиятга тайёрлаш имкониятлари .....	146
Меликўзиев И. Неореализм оқими: ўзбек операторлик санъатида .....	149
Мирбабаев М. Талабаларни мустақил жисмоний тарбия ва спорт тайёргарлигига йўналтириш .....	153
Мирзахмедов А. Таълимда диндорлик омили: хорижий тажрибадан хулосалар .....	156
Musurmonova Sh. Elektron ta'lim muhitida muhandis-dasturchilarning kasbiy tayyorgarligini faollashtirish texnologiyalari .....	160
Muhammadiyev J. O'quvchilarda axborotlar bilan ishlash kompetensiyalarini rivojlantirishda internetdan foydalanish imkoniyatlari.....	164
Niyozov M., Islikov S. Talaba va o'quvchilarga bilim berishda elektron ta'lim resurslarining roli .....	167
Норбошева М. Мактабгача ёшдаги боланинг когнитив ривожланишида рақамли технологияларнинг роли .....	170
Nurullaeva G. The use of mass media materials in teaching foreign language .....	173
Nurumbekova Y. Kadrlar tayyorlashda aktsiologik yondoshuvning ahamiyati .....	176

<b>Разакова Р.</b> Оилавий муносабатларга мослашишда ва ундаги муаммоларни бартараф қилишда қизларга амалий тавсиялар .....	179
<b>Расулов Ш.</b> Эстрада актёрининг ўзига хослиги .....	182
<b>Сапиева Н.</b> Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашнинг педагогик шартлари ва касбий тайёргарликнинг айрим масалалари .....	185
<b>Сейдабуллаева Н.</b> Ижтимоий тармоқларнинг сиёсий жараёнларга таъсири ва интернетнинг коммуникатив восита сифатида хусусиятлари .....	188
<b>Siradjev S.</b> Informatika o'qituvchilarining axborot-tahliliy faoliyatga tayyorgarligini shakllantirishga axborot modellashtirishni o'qitish usullari, shakllari va vositalari .....	191
<b>Соатов Р.</b> Машраб ижодида мутасаввиф алломалар таъсири .....	194
<b>Узоқов И.</b> Педагог касбий компетентлигини шакллантириш ва такомиллаштириш йўллари .....	197
<b>Ulmasova D.</b> Yoshlarda virtuellashuvning salbiy oqibatlarini oldini olishda emotsional intellektning ahamiyati .....	200
<b>Файзиходжаева Д.</b> Ёлғон аргументлар ва аргументлашда ёлғон .....	203
<b>Халимова М.</b> Талабаларни ахборот-таълимий ресурслар воситасида креатив фаолиятини такомиллаштиришнинг дидактик асослари .....	206
<b>Хасанова Д.</b> Диншунослик йўналиш талабаларини инглиз тили материаллари асосида ўқитиш .....	209
<b>Ҳошимхонов М.</b> Машрабнинг инсоний хислатлар ҳақидаги ғоялари .....	212
<b>Xudoyqulova Z.</b> Talaba-yoshlarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasida qadriyatlarining o'rni .....	215
<b>Хўжахонов И.</b> Ҳуқуқий таълимнинг шахс ҳуқуқий онги ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига таъсири .....	219
<b>Хуррамов А., Камолов Э.</b> Стратегия управления биотехнологических систем при неопределенности состояний среды .....	222
<b>Шайназаров Р.</b> Техника йўналишлари талабаларини касбий малакасини шакллантиришда графикли визуаллаш методини қўллашнинг дидактик хусусиятлари .....	226
<b>Шаматова О.</b> Нофилологик олий таълим муассасалари (multi – level) турли билим даражасига эга бўлган талабаларга таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари .....	229
<b>Юлдашева Г.</b> Коммуникатив компетенция тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти .....	232
<b>Yakibova D.</b> Texnologiya darslarini tashkil etishning zamonaviy shakl va usullari .....	235
<b>Филология</b>	
<b>Абдуллаева Р.</b> Фразеологические единицы с колоративным компонентом в русском языке .....	238
<b>Azimjonova Sh.</b> Usmon Nosir adabiy portretiga badiiy chizgilar .....	240
<b>Ганиева Х.</b> Пунктуация хусусида баъзи бир мулоҳазалар .....	243
<b>Mamadaliyeva S.</b> Chet el va o'zbek adabiyotida publitsistik xatlar va badiiy maktublarning uzviyligi .....	247
<b>Mejliyev M.</b> Terminshunoslikda asosiy yondashuvlar, ta'riflar va tekshirish usullari .....	249
<b>Nabiyeva Z.</b> Ijtimoiy munosabat ma'nosini bildiruvchi "protect" fe'lining leksik-semantik maydon tahlili .....	253
<b>Намазова М.</b> Амир Худойберди ижодида бадий кўчимларни қўлланилиши .....	256
<b>Oqboeva Z.</b> Lug'atlarda lug'aviy birliklarning qo'llanilishi, ma'nosi va izohlanishi .....	260
<b>Сапарова К.</b> Перспективы исследования пословиц в русле новых направлений языкознания .....	263
<b>Сиддикова И., Наргаева М.</b> Нутқда ифода этилган стоматологик терминларнинг прагматик хусусиятлари .....	266
<b>Sobirova N.</b> The use of stylistic devices in william wordsworth's poems .....	270
<b>Собирова Ф.</b> Корпусное исследование синонимичных глаголов: should и have to .....	273
<b>Таджиева М.</b> Оламнинг лисоний манзарасида “муҳаббат/ love” концептининг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари асосида) .....	277
<b>To'xtayeva F.</b> The role of colors in literature .....	280
<b>Fauziyev V.</b> Pun in children's fantasy .....	283
<b>Хамдамова С.</b> Инглиз шеърятининг тадрижий ривожда анъанавийлик ва новаторликнинг уйғунлиги .....	286
<b>Khodjakulova F.</b> Terminology: definition, basic approaches and investigation methods (in terms of Islamic terms) .....	289
<b>Ходжаханов М.</b> Финансово-экономические термины узбекского языка: в сфере маркетинга и их словообразовательные особенности .....	292
<b>Husanova D.</b> Lug'atshunoslikda o'quv lug'atchilik tushunchasining shakllanishi va taraqqiyoti .....	296
<b>Шербоев Н.</b> Инглиз тилидаги шарқ тилларидан ўзлашган сўзларнинг семантик хусусиятлари .....	300



*Ситора ХАМДАМОВА,*  
БухДУ таянч докторанти  
E-mail: [Star-start111@yandex.ru](mailto:Star-start111@yandex.ru)

*Бухоро муҳаддислик технологиялари институти доценти С.Ж.Камолова тақризи остида*

## HARMONY OF TRADITION AND NOVELTY IN WILLIAM BUTLER YEATS' POETRY

Abstract

The problem of the balance between tradition and innovation, and the question of individuality and imitation are among the main issues raised in the analysis of each artistic period. This article analyzes the interrelationships between tradition and innovation in different directions in the artistic chronological stages of the development of English poetry in different directions. In addition, the works of poets and their works of art are studied in terms of tradition and innovation.

**Keywords:** Tradition, innovation, Old English poetry, folklore, the Middle Ages, the Enlightenment, romanticism, realism, modern poetry.

## ГАРМОНИЯ ТРАДИЦИИ И НОВАТОРСТВА В ПОЭЗИИ УИЛЬЯМА БАТЛЕРА ЙЕЙТСА

Аннотация

Проблема баланса между традицией и новаторством, вопрос индивидуальности и подражания являются одними из основных вопросов, возникающих при анализе каждого художественного периода. В данной статье анализируются взаимосвязи между традицией и новаторством разных направлений на художественных хронологических этапах развития английской поэзии разных направлений. Также произведения поэтов и их произведения искусства изучаются с точки зрения традиции и новаторства.

**Ключевые слова:** Традиция, новаторство, древнеанглийская поэзия, фольклор, Средневековье, Просвещение, романтизм, реализм, современная поэзия.

## УИЛЬЯМ БАТЛЕР ЙЕЙТС ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА НОВАТОРЛИКНИНГУЙЎНЛИГИ

Аннотация

Анъанавийлик ва новаторлик ўртасидаги мутаносиблик муаммоси, индивидуаллик ва тақлид қилиш масаласи ҳар бир бадий даврни таҳлил қилишда илгари суриладиган асосий масалалардан ҳисобланади. Ушбу мақолада инглиз шеърятининг тарихий даврлаштириш босқичларида турли йўналишларда анъана ва новаторликнинг бадий оқимлар кесимида ўзаро муносабати таҳлил остига олинган. Шунингдек, шоирлар ижоди ва уларнинг бадий асар намуналари анъанавийлик ва новаторлик нуктаи назаридан ўрганилади.

**Калит сўзлар:** Анъана, новаторлик, қадимги инглиз шеърятининг, фольклор, ўрта асрлар, маърифатпарварлик даври, романтизм, реализм, замонавий шеърят.

**Киритиш.** Адабиётда анъанавийлик тушунчаси азалдан бадий танқидчилар, файласуфлар, маданиятшунослар, этнографлар, социологлар ва шу каби йўналиш вакиллари абадий муҳокама мавзуси ҳисобланади. Анъанавийлик ўтмиш авлод билан - кўникмаларини ўзлаштириб, замонавий зайдда талқин этиш, бадий услуб ва йўналишга таъсир кўрсатиб уларнинг асосини ташкил этишда кўринади. Бадий жараёнда қўйилган ҳар бир қадам мавжуд тажриба ва тушунчаларга асосланади. Анъанавийлик, асосан, ғоявий ва ижодий таъсир, тажрибалардан фойдаланиш ҳамда қадимги ва ўрта аср адабиёти, фольклор жанрлари элементларидан фойдаланишда намоён бўлади.

Анъанавийлик ва новаторлик ўртасидаги энг мураккаб муносабатлар бадий оқимлар ўртасида содир бўлади. Одатда, ҳар бир янги оқим ўзидан олдингисини рад этиб, ундан ҳам аввалгисининг элементларидан фойдаланади. Бунга мисол қилиб уйғониш даври ва классицизмнинг антик адабиётга мурожаатини, романтизмнинг рационализмни инкор этиб ўрта асрлар адабиётига юзланишини, реализмнинг маърифатпарчилик адабиётидан фойдаланишини, модернистларнинг барча мавжуд қоидаларни рад этиб, лекин шу ўринда ҳар бир

оқимдан қайсидир элементни ўзлаштиришини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Жаҳон адабиёти ривожининг турли босқичларида анъана ва унга киритилган ўзгаришлар мутаносиблиги турлича бўлган. Фольклор, қадимги давр ва ўрта асрлар адабиётининг бу жараён жуда секин ўтган. Шунинг учун ҳам киритилган айрим ўзгаришлар сезилмаган ҳам. Д.С.Лихачев айтганидек, "Ёзувчи барча ижод намуналарини адабиёт қонун - қоидалар асосида ёзишга ҳаракат қилади. Лекин этикет нормаларини бошқа турли соҳалардан олади"[1]. Бу фикр ўз даврининг илдам, тажрибали, ўз соҳасининг ривожини ҳақида қайғурадиган анъанавий ижодкорларга таалуқли.

"Соф анъанавийлик ва соф новаторлик – мавжуд эмас", - деб таъкидлайди Ю.П.Кузнецов. Анъаналарни мутлақлаштириш бадий жараён ривожига таъсир кўрсатиб, ижодкор индивидуаллигини чегаралайди. Фақат новаторликка таянадиган бўлсак, бадий майдон тартибсиз, ҳеч бир қонун-қоидага бўйсунмайдиган борлиққа айланади. Бадий адабиётда анъанавий мавзулар, мотивлар, образлар, жанр ва композицион бириклар мавжуд. Новаторлик деганда эса, янги

мавзулар, жанрлар, бадиий воқеиликни акс эттирувчи янги воситаларни кашф этиш тушунилади.

**Тадқиқот методологияси.** Анъанавийлик – кенгрок билим ва кўникмаларни мужассам этадиган мерос тушунчасидан фарқли ўлароқ, замонавий даврга кириб келган, янгиланган, қайта тикланган кадрятларни билдиради. Тадқиқот ишимизнинг мавзусини инobatга олган ҳолда, анъанавийликнинг айнан шу – “замонавий даврга таалуқлилиқ” хусусиятига алоҳида эътибор қаратамиз. Айнан шу хусусиятни инobatга олиб, шеърини анъанавийлик остида бизгача этиб келган бадиий меросни тўлаллигича эмас, балки замонавий даврда долзарб ва аҳамиятли ҳисобланадиган оқимлар ва уларнинг элементларини таҳлил қилиш тушунилади.

Замонавийликка таалуқли бўлиш тушунчасини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, бунда Т.С.Элиотнинг XX аср боши инглиз шеърятини метафизик шоирлар ижодини актуаллаштиришини мисол келтирамиз. Шеърят тарихидан биламизки, метафизик шоирлар XVII асрда ижод қилган жамиятнинг парокандалиги, дунёни фақат инсон онги ва тафаккури қутқара олиши каби фикрларни илгари сурган ижодкорлар гуруҳи ҳисобланган. XX аср бошига келиб Элиот ўзининг “Метафизик шоирлар” очеркида модернист шоирларнинг уларга ҳамфикр эканлигини таъкидлаб, айрим метафизик оқим элементларини тавсифлаб беради. Шу нуқтан назардан анъанавийлик – тарихий давр ёки ўтмиш ижодкорлар ижодига мурожаат қилиш, улар билан ҳамкорлик қилиш демак. Е.Щацкий таъбири билан айтганда, “анъана – экспериментал абадият” [2].

Кўпгина китобхонларга “Beowulf”, “The wanderer” номли эпик достонлар билан машхур англо – саксон шеърятини қадимги инглиз адабиётининг бизгача этиб келган дурдоналаридан ҳисобланади. Қадимги инглиз шеърятини ҳақида сўз юритганда, албатта, йирик ҳажмли, қахрамонлар ҳаёти ва амалга оширган қахрамонликлари, уруш ва турли тўқнашувларни мадҳ этувчи достонларни айтиб ўтиш жоиз. Уларда қадимги англо - саксон тили ва анъаналарига хос тон ва услуб мужассам. Ушбу даврга оид ишларда анъанавий деб ҳисобланган қирралардан бири бу – сатрларнинг қофияланмаслиги. Гарчанд достонлар назмий шаклда ёзилган бўлсада, қаторлар қофияланмаган. Лекин бу ҳодиса асарнинг тили ва оҳангига таъсир қилмайди. Чунки қофия ўрнига бошқа стилистик восита – алитерация асар оҳангдорлигини сақлашга хизмат қилади. Шундай қилиб, ўхшаш мотив ва композиция, алитерация, урғу, кеннинг каби воситаларнинг ишлатилиши қадимги инглиз шеърятини ўзига хос анъанавийликни белгилаб беради [3].

**Таҳлил ва натижалар.** Анъанавийлик ва новаторликнинг энг мураккаб синтези уйғониш даври адабиёти намуналарида кузатилади. Бунда нафақат мавжуд анъана ва қоидаларни, балки узоқ ўтган қадимги давр анъаналарини ҳам янгилашга ҳаракат қилинади. Қадимги Рим ва Юнон ёзувчилари ижод намуналарига мурожаат қилиш, антик адабиёт образлари ва қахрамонлари аллюзиялари, асосан, ўрта асрлар драматик жанрларига хос хусусиятлар ҳисобланади. Айнан ренессанс даврида инглиз драматургияси гуллаб яшнаб, театр оммавий машхурликка эришди.

Инглиз театри халқчил, миллий муҳитни ифодалайдиган бўлиши билан бирга турли йўналиш ва мактабларга эга эди. Миллий анъаналар ва классик драматургия элементларини уйғунлаштирган драматурглар гуруҳи “университет донолари” (“university wits”) деб аталиб, улар қаторига Роберт Грин, Томас Кид, Кристофер Марло ва бошқалар кирган [4]. Роберт Грин яратган комедия ва трагикомедиялари инглиз халқига хос

хусусиятлар, миллий мотивлар билан йўғирилган. Томас Кид эса, ўз ижод намуналарида мураккаб, психологик образлар яратиш ва асарнинг композицион яхлитлигини сақлашга эришган. Кристофер Марло илк тарихий драмалари ва адабиётда машхур тарихий шахсларни мухрлаш билан машхур бўлди. Ушбу гуруҳ драматурглари мероси Шекспир ижодига мустаҳкам замин яратиб, унинг ўзидан олдинги ва кейинги авлод ижодкорлариданда буюк, бетакрор ижодкор бўлиб этишишида кўмаклашди.

Уйғониш даври инглиз драматургияси турли ички ва ташқи тасирлар, мавжуд ва орттирилган бадиий элементлар асосида шаклланиб, ўзининг мукамал даражасига эришди. Жанрлар хилма хиллиги, юқори бадиий техника, бой ғоявий мазмун Лили, Лодж, Грин, Кид, Марло, Бейл, Пил каби драматурглар ижоди асосини ташкил этиб, уйғониш даври инглиз адабиётини анъанавийлик ва новаторлик синтезининг юқори даражасини белгилаб беради. Уйғониш давридан бошлаб Европа мамлакатларида адабий жараён тезлаша бошлади. Илгаригидек дурдона асарларга тақлид қилиш ўз аҳамиятини йўқотиб, ўтмиш адабиёти тажрибаси замонавий муаммоларнинг ечимини топиш учун хизмат қиладиган маёқ вазифасини ўтай бошлади.

XVIII асрнинг иккинчи ярми инглиз адабиётини романтик йўналиш бошланиши билан новаторликнинг анъанавийликдан устунлиги кузатилади. Романтизмнинг инсон ички дунёси ва ҳис - туйғуларига эътибор қаратиши ҳамда муаллифларнинг ўзлигини намоён қилишга бўлган ҳаракатлари даврнинг ўзига хос янги йўналишини белгилаб беради. Бунда анъанавий бадиий шакл ва мазмун янги индивидуал муаллифлик услубидаги ёндашувда талқин қилинади.

Кейинги даврлардаги неоромантик ва неоклассик йўналишларда эса яна анъанавийликка мурожаат кучаяди. Неоромантизм атамаси остида реализмдан сўнг романтик элементларга қайта мурожаат қилиш назарда тутилади [5]. Инглиз адабиётини эса, бу романтизмнинг қайта кашф этилиши, лекин маълум маънода ўзгартириб, модификациялаштирилиши тушунилади. Бунда анъанавий романтик элементлар қаторида давр таъсири остида пайдо бўлган экзотик юрлар мавзуси (Ҳиндистон, Хитой, Арабистон ва Африка мамлакатлари) ҳамда детектив сюжетлар (А.Кристи, А.К.Дойл) синтези кузатилади. Айтиш жоизки, неоромантизм алоҳида пайдо бўлиб, шаклланган йўналиш эмас, балки олдиндан мавжуд бўлиб келган романтик оқимнинг янги ғоя ва тенденциялар асосида янгиланган ва уйғунлаштирилган кўринишидир.

XIX аср охири XX аср боши инглиз шеърятини ўзининг инқилобий хусусиятлари ва йўналишларининг хилма хиллиги билан ажралиб туради. Давр бошида имажизмнинг пайдо бўлиши, модернизмнинг кириб келиши, авангард адабиёти, сюрреализм, постмодернизм ва бошқа бир қатор йўналишлар фикримиз исботи бўлиши мумкин. Бу даврга келиб новаторлик ўз ривожининг апогеяси, яъни энг юқори чўққисига эришади [6]. Анъанавийликка нисбатан, айниқса шериятда, бутунлай тарк этилган хусусият, ўтмиш сарқити мисол муносабат билдирилади. Лекин шундай даврда ҳам, асрлар оша шаклланиб келган бадиий қадриятлар ва мероснинг аҳамиятини англайдиган, қадрлайдиган ҳамда ўз ўрнида замонавий интилишлардан ҳам ортада қолмайдиган ижодкорлар бўлганлигини таъкидлашимиз жоиз. Бу борада тадқиқотимиз маркази бўлмиш Уильям Батлер Йейтс шеърятини ўзининг неча асрлик инглиз адабиёти анъанавийлиги ва замонасининг инқилобий ўзгаришларини уйғунлаштира олганлиги билан диққатимизни тортади.

XX аср бошига келиб, бу жараён кучли динамик характер касб қилиб, ижодкорлар архаик ҳисобланган фикр, ғоя ва мавзуларни давр маданий - маърифий қиёфасига тўғри келмайди деб бутунлай четга суриб қўйишди. Масалан, XX аср боши авангард йўналиши тенденцияларига кўра индивидуаллик, инновация фақат бир томонлама талқин қилиниб, анъана ривожланишнинг "тормози" сифатида қабул қилинган[7].

Зеро, индивидуаллик ва инновация ҳам йўқ жойдан ўз ҳолича пайдо бўла олмайди. Буларнинг барчаси азалий ўтмиш тажрибаси ва анъаналари асосида яратилган. Шундай экан, анъана ва индивидуаллик ўртасидаги уйғунлик исталган бадий иш муваффақиятининг энг муҳим шарт ҳисобланади. Ушбу ўринда машҳур файласуф Й.Хейзингнинг қуйидаги фикрларини актуал деб ҳисоблаймиз: "Янгилик ортидан тинимсиз изланишда эскисини фақат эски бўлганлиги учун рад этиш - норасида ва носоғлом ақлларга хос. Соғлом ақл - ўтмиш кадрларнинг оғир юқини ўзи билан бирга сафарга олишдан кўрқмайди[8]."

"Викториан даври романтик шеърятдан модернистик шеърятга ўтиш шеърят тарихидаги энг фундаментал силжиш ҳисобланади", - деб ёзади Д.Перкинс[9]. Бадий анъанавийлик масаласини тадқиқ қилиш жараёнидаги энг муҳим масала анъана ва мерос,

яъни аниқ даврга тегишли мавжуд анъаналар ва уларнинг замонавий даврга ўзлаштирилган қисми ўртасидаги масала ҳисобланади. Анъана ва унинг замонавий бадий жараёнга таалуқлилиги "анъана" ва "мерос" каби тушунчаларни фарқлашга ундайди[10].

**Хулоса ва тақлифлар.** Мавзуимиз доирасида инглиз шеърятини анъанавийлигининг яна бир ўзига хослигига эътибор қаратишимиз жоиз. Анъаналар нафақат бадий мероснинг янги даврда ўзлаштирилиши ва қайта тикланиши орқали пайдо бўлади, балки ўтмишни рад этиш, унга қарши чиқиш билан ҳам яратилиши мумкин. Яъни анъанавийликнинг шаклланиши диалектик табиатга эга бўлиб, унда қабул қилиш ва рад этиш тенденциялари бир - бирини тўлдириб туради. Ҳар бир замон ижодкорлари ўзларининг ҳамфикр ва муҳолифатларига эга бўлганликлари каби улар меросининг бир қисми янги даврда тикланади ва айрим хусусиятлари унутилади.

Худди шундай фикрни анъанавийликнинг таркибий қисми ҳақида гапирганда Ю.М.Лотман ҳам таъкидлайди: "...структур тенденциялар ҳақида гапирганда, биз фақат уларнинг (анъана) қай биринидир йўқотиб, бошқаси билан алмаштиришни назарда тутмаймиз. Балки илгариги мавжуд структура фонидан унга антогонистик муносабатда бўлган янги типдаги структураларнинг пайдо бўлишини таъкидлаймиз[11]."

#### АДАБИЁТЛАР

1. Лихачев Д.С. Прошлое будущему. Наука. Ленинград. 1985. С. 442.
2. Шацкий Е. Утопия и традиция. Москва. 1990. С 426.
3. Мельникова Е., Меч и лира. Англосаксонское общество в истории и эпосе. Мысль, 1987, с. 241
4. Аникст А.А., Театр эпохи Шекспира' - М., "Искусство". 1965. 328 стр.
5. Толмачев В.М. Зарубежная литература конца XIX начала XX века. М.: Юрайт. 2016. 452 С.
6. Толмачев В.М. Зарубежная литература конца XIX начала XX века. М.: Юрайт. 2016. 612 С.
7. Sanders A. The short Oxford history of English Literature. Oxford. 2005. P. 526.
8. Хейзинга Й. Homo Ludens; Статьи по истории культуры. М.: Прогресс - Традиция, 1997. С. 384.
9. Perkins, David. History of Modern Poetry. London, 1979. P. 69
10. Шацкий 11. Утопия и традиция. - М., 1990. С. 311.
11. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Москва. 1972. С. 54.